**ШАРТНОМА №**
(Пудрат ишларини бажариш юзасидан)

14.02. 2022 йил Бўстон ш.

ҚДПИ ректори Д.Ходжаева, кейинги ўринларда "БУЮРТМАЧИ" деб юритилади ва иккинчи томондан «MISTER DIZAYN QURILISH» МЧЖ рахбари М.Рашидов кейинги ўринларда "ПУДРАТЧИ" деб юритилади, 10 02 2022 йилдаги баённомасига асосан ушбу шартномани қуйидагилар хакида туздилар:

## 1.ШАРТНОМА МАЗМУНИ ВА БАХОСИ.

1.1 "ПУДРАТЧИ" ўз зиммасига "БУЮРТМАЧИ"нинг топшириғига кўра унга тегишли 8-ўкув биносини жорий таъмирлаш ишларини бажариб беради.
1.2 "ПУДРАТЧИ" "БУЮРТМАЧИ"нинг топшириғига кўра топширган ишлари буйича моддий жавобгарликни ўз зиммасига олади.
1.3 Шартнома бахоси 295 000 000 (ҚҚС билан) сўмни ташкил қилади.

## 2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ.

2.1 Ушбу шартнома бўйича тўлов хақиқатда кўрсатилган хизмат бўйича "ПУДРАТЧИ" томонидан тақдим этилган бажарилган ишлар акти (форма №2), хисоб варақ фактура ва уни тасдиқловчи далолатномага асосан амалга оширилади.

## 3. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТИ.

3.1 "ПУДРАТЧИ" ўз зиммасига "БУЮРТМАЧИ" томонидан тастиқланган ишларни календар иш режасига ва графиги асосида белгиланган муддатларда бажариш мажбуриятини олади.

## 4. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

4.1 "ПУДРАТЧИ" қуйидагиларни ўз зиммасига олади
- "БУЮРТМАЧИ"дан лойиха-смета хужжатларини қабул қилиб олиб, 30 кун ичида камчиликлар юзасидан ўзининг таққослаш жадвалини тақдим этади;
- Қурилиш-монтаж ишларини харакатдаги қоида ва меъёрлар ( КМК ва ШНК) талабига жавоб берадиган даражада бажаришни кафолатлайди.
- "БУЮРТМАЧИ" томонидан берилган ишлар сифатсиз бажарилган бўлса "ПУДРАТЧИ" топширгандан 1 йил давомида ишларни бажариш мажбуриятини олади.

4.2 "БУЮРТМАЧИ"
- Ушбу шартноманинг 1 - бўлимида назарда тутилган хизматлар учун шартномада белгиланган миқдор ва муддатда хақ тўлайди.

Шартнома имзолангандан кейин 10 кун муддат ичида шартномада келишилган нархнинг 30 фоизигача бўлган миқдорини аванс тариқасида "ПУДРАТЧИ" хисоб рақамига йўналтириб беради;

"ПУДРАТЧИ"га хақиқий бажарилган ишга ва харажатларга хак тўлайди;
Ишларнинг бажарилиш жараёни устидан техник назорат олиб боради.

## 5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

5.1 "БУЮРТМАЧИ" ўз мажбуриятларини бажариш муддатларини кечиктирилган ёки бажармаган тақдирда кечиктирилган хар бир кун учун бажарилмаган мажбурият хажмининг 0,4 фоиз миқдорида пеня тўлайди. Лекин ушбу пеня суммаси бажарилмаган иш хажмининг 50 фоизидан ошмаган миқдорда бўлиши керак.

5.2 "ПУДРАТЧИ" ўз мажбуриятларини бажариш муддатларини кечиктирса ёки бажармаган тақдирда кечиктирилган хар бир кун учун бажарилмаган иш хажмининг 0,4 фоиз микдорида пеня тўлайди.
Лекин ушбу пеня суммаси бажарилмаган иш хажмининг 50 фоизидан ошмаган миқдорда бўлиши керак.

## 6. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ.

6.1 Томонларнинг бирортаси хам бошка томоннинг олдида ушбу шартнома бўйича олган мажбуриятларини тарафларнинг эрки ва истагидан ташкари пайдо бўлган ва уларнинг олдиндан кўра билиш мумкин бўлмаган холатлар, бунга уруш эълон килинишини ёки амалда бошланганлиги, фукаролик тартибсизлиги, вабо тарқалиши, блокада, имбарго, ер кимирлаши, сув босиши, ёнгин ва бошка табиий офатлар билан боглик холда бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайди.
6.3 Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома бўйича мажбуриятини бажаришга унинг таъсир кўрсатиши ёки моънелик килиши тўгрисида бошка тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.

## 7. НИЗОЛАРНИНГ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

7.1 Мазкур шартномадан келиб чикадиган барча келишмовчиликлар томонларнинг ўзаро келишуви билан хал килинмаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофик Хўжалик судлари оркали хал килинади.

## 8. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

## 9.БОШҚАШАРТЛАР.

9.1 Шартнома 2 нусхада тузилади, томонлар имзоланган кунда бошлаб хукукий кучгакиради.
9.2 Шартноманинг амал қилиш муддати 31.12.2022 йилгача хисобланди.

## 10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА ТЎЛОВ МАЪУМОТЛАРИ:

| "БУЮРТМАЧИ" | "ПУДРАТЧИ" |
|---|---|
| ______________ | «Андижон вилояти Баликчи тумани |
| х/р ______________ | Авесто МФЙ 9-уй |
| ______________ | "Mister Dizayn Qurilish 1" МЧЖ |
| МФО: ______________ | х/р: 20208000005163515003 |
| ИНН: ______________ | "Хамкор банк" Чинобод филиали |
| | МФО: 00083, ИНН:307023614 |
| Рахбар ______________ | Рахбар ______________ М.Рашидов |

MISTER DIZAYN QURILISH 1

Юрист